

533 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ أَبُو طَلْحَةَ لِأُمِّ سُلَيْمٍ: قَدْ سَمِعْتُ صَوْتَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَعِيفًا أَغْرِفُ فِيهِ الْجُنُونَ، فَهَلْ عِنْدَكِ مِنْ شَيْءٍ؟ فَقَالَتْ: تَعْمَ، فَأَخْرَجَتْ أَفْرَاصًا مِنْ شَعِيرٍ، ثُمَّ أَحَدَتْ خَمَارًا لَهَا، فَلَقَطَتِ الْحُبْزَ بِعَضِيهِ، ثُمَّ دَسَّتْهُ حَتَّى تُوْيِ وَرَدَّتْنِي بِعَضِيهِ، ثُمَّ أَرْسَتَنِي إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَذَهَبْتُ إِلَيْهِ، فَوَجَدْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، جَالِسًا فِي الْمَسْجِدِ، وَمَعَهُ النَّاسُ، فَقُمْتُ عَلَيْهِمْ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَرْسَلَكَ أَبُو طَلْحَةَ؟» فَقُلْتُ: تَعْمَ، فَقَالَ: «أَلِطَّعَامُ؟» فَقُلْتُ: تَعْمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قُومُوا» فَانْطَلَقُوا وَانْطَلَقْتُ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ حَتَّى جِئْتُ أَبَا طَلْحَةَ فَأَخْبَرْتُهُ، فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ: يَا أُمَّ سُلَيْمٍ، قَدْ جَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالنَّاسِ وَلَيْسَ عِنْدَنَا مَا نُطْعِمُهُمْ؟ فَقَالَتْ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ.

فَانْطَلَقَ أَبُو طَلْحَةَ حَتَّى لَقِيَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَهُ حَتَّى دَخَلَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَلْمِي مَا عِنْدَكِ يَا أُمَّ سُلَيْمٍ» فَأَنْتَ بِذَلِكَ الْحُبْزُ، فَأَمَرَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُتَّ، وَعَصَرَتْ عَلَيْهِ أُمُّ سُلَيْمٍ عُكَّةً فَادَمَتْهُ، ثُمَّ قَالَ فِيهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ، ثُمَّ قَالَ: «ائْدَنْ لِعَشْرَةِ» فَأَذَنَ لَهُمْ، فَأَكَلُوا حَتَّى شَبِيعُوا، ثُمَّ خَرَجُوا، ثُمَّ قَالَ: «ائْدَنْ لِعَشْرَةِ» حَتَّى أَكَلَ الْقَوْمَ كُلُّهُمْ وَشَبِيعُوا، وَالْقَوْمُ سَبْعُونَ رَجُلًا أَوْ ثَمَانُونَ. مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ]

وَفِي رِوَايَةٍ: فَمَا زَالَ يُدْخِلُ عَشَرَةً، وَيُخْجِجُ عَشَرَةً حَتَّىٰ لَمْ يَبْقَ مِنْهُمْ أَحَدٌ إِلَّا دَخَلَ، فَأَكَلَ حَتَّىٰ شَيْءَ، ثُمَّ هَيَّأَهَا؛ فَإِذَا هِيَ مِثْلُهَا حِينَ أَكَلُوا مِنْهَا.

وَفِي رِوَايَةٍ: فَأَكَلُوا عَشَرَةً عَشَرَةً، حَتَّىٰ فَعَلَ ذَلِكَ بِتَمَانِينَ رَجُلًا، ثُمَّ أَكَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ ذَلِكَ وَأَهْلَ الْبَيْتِ، وَتَكُونُ سُورًا.

وَفِي رِوَايَةٍ: ثُمَّ أَفْضَلُوا مَا بَلَغُوا جِيرَاتَهُمْ.

وَفِي رِوَايَةٍ عَنْ أَنَسٍ قَالَ: جِئْنُتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا، فَوَجَدْنَاهُ جَالِسًا مَعَ أَصْحَابِهِ وَقَدْ عَصَبَ بَطْنَهُ، بِعِصَابَتِهِ، فَقُلْتُ لِيَعْضِ أَصْحَابِهِ: لَمْ عَصَبْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَطْنَهُ؟ فَقَالُوا: مِنَ الْجُوعِ، فَذَهَبْتُ إِلَى أَبِي طَلْحَةَ - وَهُوَ رَوْجُ أُمِّ سُلَيْمٍ - فَقُلْتُ: يَا أَبَتَاهُ؛ قَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَصَبَ بَطْنَهُ بِعِصَابَتِهِ، فَسَأَلْتُ بَعْضَ أَصْحَابِهِ، فَقَالُوا: مِنَ الْجُوعِ. فَدَخَلَ أَبُو طَلْحَةَ عَلَى أُمِّيِّ، فَقَالَ: هَلْ مِنْ شَيْءٍ؟ فَقَالَتْ: تَعْمَ، عِنْدِي كِسْرٌ مِنْ حُبْزٍ وَمَرَاثٌ، فَإِنْ جَاءَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحْدَهُ أَشْبَعَنَاهُ، وَإِنْ جَاءَ آخَرُ مَعَهُ قَلَّ عَنْهُمْ ... وَدَكَرَ تَمَامًا

الْحَدِيثُ [1].

533. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа Умму Сулаймга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мадорсиз овозларини эшитдим. Билдимки, очликдан. Бирор ниманг борми?» деди. У: «Ҳа», деди-да, бир нечта арпа нон олиб чиқди. Рўмолини олиб, бир қисмига нонни ўради-да, нонни қўйнимга солиб, яна бир қисми билан ўзимни ўради. Кейин мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига жўнатди. Мен уни олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда одамлар билан бирга эканлар. Бориб, уларнинг тепалариға турган эдим, у зот: «Сени Абу Талҳа юбордими?» дедилар.

«Ха», дедим. У зот: «**Егулик биланми?**» дедилар. «Ха», дедим. У зот ўзлари билан ўтирган одамларга: «**Туринглар!**» дедилар-да, йўлга тушдилар. Мен уларнинг олдига тушиб юрдим-да, Абу Талҳанинг ёнига бориб, хабар қилдим. Абу Талҳа: «Эй Умму Сулайм, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан келибдилар, бизда эса уларга беришга егулигимиз йўқ», деди. У: «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», деди. Абу Талҳа бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қарши олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Талҳа бирга кириб келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Эй Умму Сулайм, бор нарсангни олиб кел**», дедилар. У бояги нонларни келтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар, улар ушатилди. Умму Сулайм уккани* сиқиб, унга нонхуруш қўшди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга (егуликка барака тилаб,) Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни айтдилар. Кейин (Абу Талҳага): «**Ўнтасига изн бер**», дедилар, у уларга изн берди. Улар тўйгунча еб, чиқиб кетишди. Кейин у зот: «**Яна ўнтасига изн бер**», дедилар. У уларга изн берди. Улар ҳам тўйгунча еб, чиқиб кетишди. Кейин у зот: «**Яна ўнтасига изн бер**», дедилар. Хуллас, қавмнинг ҳаммаси еди ва тўйди. Қавм эса етмиш [ёки саксон] киши эди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Ўн киши кириб ва чиқишида бардавом бўлишди, ҳатто улардан бирор киши қолмасдан кириб, еб, тўйиб чиқиб кетди. Сўнгра овқатлангандан кейин қолган овқатни тўплашганди, ейилган пайтда қандоқ бўлса, шундокклигича эди», дейилган.

Яна бошқа ривоятда: «Ўн киши-ўн кишидан кириб ейишли, ҳатто саксон киши мана шу тарзда еб тўйиши. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам едилар, ундан кейин оила аъзолари ҳам еб ортириб қолдиришди», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда: «Улар қўшниларигача етадиган даражада ортиришди», дейилган.

Анасадан қилинган ривоятда:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келсам, у зотни саҳобалари билан ўтирган ҳолда топдим. У зот қоринларини белбоғ билан боғлаб олган эканлар. Шунда саҳобаларидан бирига: «Нима учун қоринларини боғлаб олганлар?», дедим. «Очликдан», дейиши. Абу Талҳанинг олдига бордим. У Умму Сулаймнинг эри эди. «Отажон, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим, қорниларини белбоғ

билан боғлаб олибдилар. Баъзи саҳобаларидан сўрасам, «Очликдан», дейишидди», дедим. Абу Талҳа онамнинг олдига кирди-да, «Бирон нарса борми?», деди. У: «Ҳа! Бурда нон ва бироз хурмо бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ёлғиз келсалар тўйдира оламиз, лекин у зот билан бирга бошқа одам ҳам келса, уларга етмайди», деди...» деб ҳадисни охиригача айтдилар.

Шарҳ: Укка – теридан қилинган юмалоқ меш. Унга асосан ёғ ва асал солинган.

.[2040] «Ҳадис Ҳадис» Ҳадис Ҳадис [1]

Манба: hadis.islom.uz

